Ушбу сонда:
2 КАТТА ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА
3 ЭЛНИ ДЕБ, ЭЛГА СУЯНИБ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 27 ноябр, шанба № 189 (1822)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

### А.А.Жалоловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдураҳим Абдураҳмонович Жалолов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябр

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

### Р.Ҳ.Ҳайдаровни Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябр

# СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўрар эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охирги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган воқеалар, сурункали тус олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессияларда жойларда ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йиғилишларда ким қандай ютуқларга эришгани, ким қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапириляпти, ҳар ким ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти. Биров рағбатга сазовор бўляпти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшатиб беришига тўғри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб боriляпти.

Масалага бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тобора сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тузилиш ва шаклланиш тарихи, мамлакатимиз ҳаётида тутган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги куни ва келгуси истиқболи ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор берилади, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудида жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрлангани, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуматимиз ва тармоқ вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Вилоятдаги аҳволни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ хўжалик тармоғини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ер ости сувларининг кўтарилиб, шўр босиш тобора кучайиб бораётгани, ирригация ва мелиорация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар қаторида бир саволга холисона жавоб берайлик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай кўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрати билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шунга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

Яхши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва суяги қотган, ор-номусли Сирдарё аҳли олдига амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш кимнинг вазифаси бўлиши керак?

Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига оладиган, шу ерни обод қилишга бел боғлаган, шу юрт менинг, оиламнинг, болаларимнинг ватани, деган фикр билан яшайдиган одамларни кимдир етакчи бўлиб руҳлантириши, зарур бўлганда, кўкрагини қалқон қилиб уларни ҳимоялаши керакми, йўқми?

Мамлакатимиз раҳбари вилоят ҳаётида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ғов-тўсиқларнинг ҳаммаси бугунги кунда аввалambor бир масалага - кадрлар масаласига бориб тақалиши аён, дея таъкидлади. Яъни, билимли, ташкилотчи ва ташаббускор, жавобгарликни ўзига олишга қодир бўлган, ўзини аямасдан ишлайдиган фидойиларнинг етишмаслиги Сирдарё шароитида ҳалибери оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Сирдарёнинг катта салоҳиятга эга экани, унинг Ўзбекистон ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўп-кўп ишнинг кўзини биладиган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, ўзини намоён этгани ҳам жамоатчилигимизга яхши маълум.

Вилоят тарихида шундай кўтарилиш даврлари бўлганки, улар ҳақиқий мардлар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бу баландпарвоз гап эмас. Шу заминни ўзлаштиришга азму қарор қилиб, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган мингминглаб одамлар электр ўрнига керосин чироқ ёқиб, гармсел шамоллари ва қаҳратон совуғига бардош бериб яшаган ва ишлаган. Буни халқимиз жуда яхши билади.

Ана шундай заҳматкаш кишиларнинг меҳнати ва матонати билан Сирдарё том маънодаги вилоят бўлиб шаклланган. Бугун шу инсонларнинг номларини, эл-юрт равнақи йўлидаги унутилмас хизматларини эслаб, уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром билдирсак арзийди. Афсуски, охирги йиллар мобайнида Сирдарёда бундай ибратли мисоллар ўзининг давомини топмаяпти.

Албатта, бугун вилоятда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти, десак, адолатдан бўлмайди. Барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилоятида ҳам ҳаёт, тараққиёт тўхтаб тургани йўқ, мавжуд қийинчиликларга қарамай, одамлар ишламоқда, янги-янги марралар сари интилмоқда. Шу ўринда 9 ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Хусусан, АҚШ, Россия, Туркия ва Швейцария мамлакатлари иштирокида барпо этилган замонавий саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион евро бўлган «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД», қишлоқ хўжалик соҳаси учун зарур ускуна ва механизмлар тайёрланадиган «Б-Алтайсервис» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани вилоят иқтисодиётидаги салмоқли ўзгаришлар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва Буюк Британия иштирокида барпо этилган «Сарбон-текс» қўшма корхонасининг иккинчи навбатини қуриш бўйича ишлар якунланмоқда. Энг муҳими, мана шундай катта лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят бўйича 14 мингдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилингани, хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сув тармоқлари тортиш 129 фоиз, газ тармоқлари тортиш эса 123 фоизга кўпайганини, янги йўллар, болалар спорт иншоотлари қурилганини, ободончилик ишлари бажарилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг кўпгина асосий соҳалардаги кўрсаткичлари, бу заминда йиллар давомида шаклланган иқтисодий салоҳиятнинг тобора пасайиб бораётганини афсус билан қайд этди.

Ислом Каримов бундай қолоқ вазиятни кузатиш ва исбот қилиб бериш учун фақатгина айрим соҳа ва тармоқлар аҳволига депутатлар эътиборини жалб қилар экан, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмасдан келаётганини кўрсатиб ўтди.

Жорий йилда ҳам бу борада сезиларли ўзгариш бўлмагани, пахта тайёрлаш шартнома режаси республика бўйича энг охирги ўринда -72 фоизда қолиб кетгани, ҳосилдорлик атиги 15 центнерни, Ховос ва Мирзаобод туманларида эса 10 центнерни ташкил этгани ғоят ачинарлидир.

Бу соҳадаги жиддий хато-камчиликлар туфайли вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди, давлатга, халққа қанча зарар етказилди. Энг ёмони, бундай аҳвол йил бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилган одамларнинг даромади ва турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган 8 та туман, 26 та ширкат хўжалиги, 6 минг 186 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажармаган.

Бунинг тагини суриштирсангиз, асосий сабаби битта - яъни ишни тўғри ташкил этолмаслик, масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятида десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Минг афсуски, мана шундай ҳолат кўп йиллардан буён муттасил давом этиб, туман ва вилоят раҳбарлари уни қандайдир табиий ҳол, деб ҳисоблашга ўрганиб қолган, деди Ислом Каримов.

Бундай салбий ишлар учун куйиниш, ўзини қийнаш, шу вазиятга олиб келадиган сабабларни таҳлил қилиш, уларнинг илдизига етиб бориш, амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига бу раҳбарлар бепарволик ва лоқайдликка берилиб кетганини сезиш қийин эмас.

*(Давоми 2-бетда)*

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***26 ноябр куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилояти ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётда янги марралар сари интилаётганини таъкидлади. Тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоиз ўсди. Хорижлик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион еврога тенг «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД» каби қўшма корхоналар ишга туширилгани вилоят иқтисодиётини юксалтиришда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг асосий соҳаларидаги кўрсаткичлар, бу заминда шаклланган иқтисодий салоҳият пасайиб бормоқда.

Вилоятда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмай келаяпти. Жорий йилда вилоят пахта тайёрлаш шартнома режаси бўйича республикада энг охирги ўринда қолиб кетди. Вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди.

Ғаллачилик соҳасида ҳам орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилаётир. 1 минг 66 фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани туфайли вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига, уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш кучайиб кетган.

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаби вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янгича асосда ташкил этиш, бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетганлигидадир. Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг масъулиятини оширишда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Равшан Ҳайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдураҳим Жалолов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Дўстлик» каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Ражабов, Боёвут туманидаги 31-мактаб директори Баҳри Бобоқулова, Гулистон туманидаги «Уч қаҳрамон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураззоқ Абдуназаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Ҳаётхон Ортиқбоева Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик ва масъулият билан адо этиш, Сирдарё шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий бурчи эканини алоҳида таъкидладилар.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Акимжон АДИЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

*Бозор талаби қатъий*

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН

Ўзининг улкан табиий бойликлари билан республикада салмоқли ўринни эгаллаган Бухорода ўнлаб нефт ва газ саноати корхоналари ишлаб турибди. Соҳада меҳнат қилаётган минглаб ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалашда касаба уюшма тармоқ қўмитаси вилоят вакиллиги томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти.

– Тизимда 24 та бошланғич ташкилот бўлиб, 14 мингга яқин аъзони бирлаштирган, – дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоятдаги вакили Бахтиёр Эргашев. - Бошланғич ҳамда цех ташкилотларининг меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва масъулияти кучайиб бораётганлиги касаба уюшмаларининг жамоа орасидаги нуфузини ошираяпти.

Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мустақиллик меваси. Лойиҳа қиймати 550 миллион АҚШ долларига тенг йирик саноат гиганти замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Тажрибали мутахассис Хониш Қосимов раҳбарлик қилаётган касаба уюшма қўмитаси 1700 кишилик аҳил ва иноқ жамоа манфаатларининг ҳақиқий жонкуярига айланган. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси учун 110 миллион сўм маблағ ажратилган. 4 та ошхона, тиббий пункт, савдо дўкони, соғломлаштириш маркази, клуб, кутубхона, спорт мажмуаси ишлаб турибди.

«Бухоронефтгазсаноатқурилиш» акциядорлик жамиятида 2100 киши ишлайди. Касабақўм раиси Адҳам Авезовнинг ташкилотчилиги туфайли акциядорларга дивидентлар вақтида ҳисобланиб, қўшимча мукофотлар тарқатиляпти.

– Одамларимиз чўл шароитида меҳнат қилишади, - дейди «Бухоронефтгазпармалаш» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Темир Қодиров. – Уларнинг иш жойларида етарли шароит яратилган. Зарарли шароитларда ишлаётганларга қўшимча ҳақ тўланади, сут ва сут маҳсулотлари бериб бориляпти.

Касабақўм раиси Амин Фахриевнинг қатъияти ва талабчанлиги билан Бухоро электр тармоқлари корхонасида ходимларга техника хавфсизлиги пухта ўргатилаяпти. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бахтсиз ҳодиса ва жароҳатланишлар кескин камайди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури қабул қилиниши муносабати билан жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритилди. Жумладан, икки ва ундан ортиқ болали оилалар, ҳомиладор аёллар, касб касаллиги туфайли ишлаб чиқариш ногиронлигига учраган ишчилар, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётганлар тўловини тўлаш, мактабларга ҳомийлик кўмаги кабилар одамлар турмуш шароитини яхшилашда катта аҳамият касб этмоқда.

Тармоқ бўйича миллий кураш, мини футбол, волейбол, стол тенниси мусобақаларининг ўтказилиши бухоролик ёшлар ўртасида янги истеъдодларни кашф этди. «Она ва бола» кўрик-танловида «Бухоронефтгазқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти компьютер маркази ходими Маъмура Эргашева ғолибликни қўлга киритди.

Тизимдаги корхона ва ташкилотлар ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадларига 588 миллион, қулай иш шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланганлиги иш берувчилар ва касаба уюшмалари фаолияти муштараклигидан, зиммадаги вазифани адо этишга масъулият ҳисси кучайганлигидан дарак беради.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Халқаро алоқалар*





# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Эркин касаба уюшмалари халқаро Конфедерацияси вакиллари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Республикамизда аҳолининг кам таъминланган қатламини кучли ижтимоий ҳимояга олиш ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, уларга давлат томонидан кўрсатилаётган кенг кўламли ёрдам эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнат аҳли ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган кучли ижтимоий ҳимоя тамойили йўналишида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари, шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ва қўмиталари вакиллари ҳамда фаоллари иштирок этиб, касаба уюшмалари фаолияти ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон КУФК Матбуот котиби**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# ҲУЖЖАТЛАР ҚАЛБАКИ ЭКАН

**Газетамизнинг шу йил 29 сентябр сонида «Ажаб савдолар» рукни, «Номи мактаб журналида қайд этилмаган...» сарлавҳаси остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида жойлашган 68-ўрта мактабдаги айрим ноқонуний ишлар билан боғлиқ масалалар қаламга олинганди.**

**Ушбу мақола юзасидан Республика Халқ таълими вазирлигидан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:** «Ишонч» газетасининг 157-сонида чоп этилган «Номи мактаб журналида қайд этилмаган...» сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган далиллар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида ҳақиқатдан ҳам Маҳлиё Абдуллаеванинг Хатирчи туманидаги 3-мактабнинг 10-, 11-синфларда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар қалбаки эканлиги аниқланди. М.Абдуллаева 2004 йил январ ойида тегишли ҳужжатларсиз 11-синфга қабул қилинган ва синф журналига қайд этган 68-мактабнинг директори Д.Аҳмедов туман халқ таълими бўлимининг шу йил 15 майдаги 50-сонли буйруғига асосан директор вазифасини бажарувчилигига тайинланган, Б.Примов туман ХТБнинг 14 сентябрдаги 40-сонли буйруғига кўра вазифасидан озод қилинган.

Хатирчи туман ХТБнинг 8 ноябрдаги 48-сонли буйруғига кўра 3-сон мактаб директори Т.Шомуродовга ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МКнинг 181-моддаси 1-банди билан ҳайфсан эълон қилинди.

Айни пайтда мазкур масала юзасидан Каттақўрғон туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

**Р.АҲЛИДИНОВ,**
**Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

## Сурхондарё

## ЭЛНИ ДЕБ, ЭЛГА СУЯНИБ

***Бир кўнгил имората, минг макка зиёрати, деган маъноли гап бор. Чинданам инсонга наф келтириш олий бахт. Республикамизнинг энг нуфузли жамоат ташкилотларидан бири бўлмиш касаба уюшмалари бозор шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Турли тармоқларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида беш йиллик фаолият назардан ўтказилиб, танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинмоқда. Ҳар йилнинг ўзига хос салмоғи, ютуғи ва муаммоли томонлари бор. Гап умуммуваффақиятга қай даражада ҳисса қўшишда, одамлар ишончини оқлай олиш ва жўшқин жараёнда ўз ўрнини топа билишдадир.***

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши Соғлом авлод йилида меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга амалий ёрдам кўрсатиш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссасини қўшишга астойдил ҳаракат қилди. Илм масканларида таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қўшимча стипендиялар таъсис этилди. Вилоятдаги болалар оромгоҳларида 17,6 минг нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Уларнинг асосий қисми кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Бунинг учун 2001 йилда ижтимоий суғурта бюджетидан 28,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногиронлар, етим-есирларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президентимиз жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Бунинг учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хайрли ишдан касаба уюшмалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Масалан, Оналар ва болалар йилида Сурхондарёнинг барча туманларида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилиб, спортнинг етти тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Унинг якуни бўйича «Отам, онам ва мен - аҳил спортчи оиласи» мусобақаларида Сариосиё тумани жамоаси биринчи, Олтинсой туман жамоаси иккинчи ва деновликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар тубдан ўзгарди. ЎзКУФК ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Алпомиш» спорт мажмуаси ўйингоҳининг шимолий томонидаги ўриндиқлар усти ёпилди. Кураш, дзю-до, бокс заллари, теннис корти, волейбол, баскетбол майдончалари барпо этилди. Яна бир хайрли иш ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бу касаба уюшмаларининг вилоят меҳнаткашларига ҳақиқий совғаси бўлди. «Дельфин» сузиш ҳавзаси қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун ижтимоий суғурта маблағидан 635 миллион сўм, вилоят ҳокимининг қарори билан 70 миллион сўм сарфланди. Ҳозирги кунда бу ажойиб сузиш ҳавзаси қанчалик асқотаётганлигини билсангиз эди.

Кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қабул қилинган дастурга кўра кекса авлод вакилларини санаторий-профилакторийларда имтиёзли соғломлаштириш, улар учун зиёратгоҳларга сафарлар уюштириш, ёшлар билан учрашувлар ўтказиш яхши ташкил этилди. Бирон тадбир, тантана табаррук инсонларсиз ўтказилмайди. Сўнгги йилларда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тармоқ қўмиталари билан ҳамкорликда фахрийларни рўзномаларга бепул обуна қилиб келмоқда. Албатта, айримларининг оилавий шароитлари ҳисобга олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Турар жойлар ҳашар йўли билан ёки ҳомийлар кўмагида таъмирлаб берилмоқда. 2002 йили 422 минг нафар ишловчи қария санаторий, курортларда ва бошқа оромгоҳларда имтиёзли дам олдирилди.



Вилоят савдо ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма қўмитаси 70 нафар қарияни Бухоро, Самарқанд шаҳарларига саёҳатга чорлади.

Меҳр ва мурувват йили тадбирлари ҳам кенг кўламли. Ўтган тўққиз ой ичида 2 минг 915 нафар пенсионер, ногирон, етим болалар, боқувчисини йўқотган оилаларга хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 29 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.



Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш ҳисобланади. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишда 19та ҳудудий тармоқ, 29 та туман ва шаҳар келишувлари, 5 минг 552 та корхона, ташкилот, хўжаликларда тузилган жамоа шартномалари орқали хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамкору ҳамжиҳатлик натижалари ҳамиша қувончли бўлади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тасарруфидаги «Хонжиза» дам олиш уйига тармоқ қўмиталари талабномасига асосан 535 та йўлланма олиб берилиб, фуқароларнинг кўнгилли дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратилди. Қувончлиси шуки, меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи ва ҳурмати ортиб бормоқда. Бироқ ҳали асосий ишлар олдинда.

**К.БОБОЛОВ,**
**вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари**

## ЭГАТЛАР БАХТ ЭШИГИГА БОШЛАЙДИ

*Йиллар ва одамлар*

Дала йўлининг ўзига хос файзи бор. Айниқса, куз кезлари боғ-роғлар, пахтазорлар мафтункор манзара кашф этади. Ён-атрофга сеҳрланиб боқарканман, шу гўшанинг ҳар бир карич ери, фидокор, меҳнатсевар одамлари қалбимга нақадар яқинлигини ҳис қиламан. Бунёдкорлик ишларида, мўл ҳосил яратишда, одамларнинг эзгу-ниятларини рўёбга чиқаришда ҳиссам борлигидан фахрланаман. Юрагимдаги гап, кўпнинг меҳрини қозониш, ишончига сазовор бўлиш осонмас. Бунинг учун инсон йиллар мобайнида сидқидилдан тер тўкиши лозим.

Ҳаётим оққўнгил, қадоққўл кишилар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Ёшлигимдан меҳнатга кўнгил қўйиб, деҳқончилик, пахтачилик сирларини эгаллаш учун йиллар мобайнида ишладим. Фақат Мустақиллик туфайлигина биз - деҳқон фарзандлари қадр топдик, ҳақиқий инсонлардек яшаш имконига эга бўлдик. Оддий меҳнаткаш фарзанди Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди, йирик хўжаликни бошқариб кўпнинг ёрдамида уни энг пешқадам хўжаликлардан бирига айлантиришга эришдик. Ўтган йили ҳосил чўғи чакки бўлмади. Соф фойда 246 миллион сўм сўмни ташкил этди. Ижтимоий ҳимояга 50 миллион сўм ажратилди.

Қишлоқ кишилари ғоятда ориятли, камсуқум бўлишади. Сезиб юрардим, кўп болали бир оила бошлиғи рўбарў келганида нимадандир гап очмоқчи бўларди-ю, негадир истиҳола қиларди. Дарров тушундим. Фарзандларини суннат тўйи қилиши керак, лекин жўжабирдай жон бўлганлиги учун қўли калталик қилаяпти.

- Шу хўжалик кимники, - сўрадим ундан.

- Бизники, ҳаммамизники.

- Шундай экан нега иккиланасан. Ҳаммамиз йиллар мобайнида дўсту қадрдон бўлиб кетган бўлсак, - деганимни биламан мени маҳкам қучиб:

- Ҳушёрлигингизга балли, болалар тўйини ўтказсам девдим...

У шу сўзларни таъкидларкан кўзларида ёш халқаланди. Қатор оилалар фарзандларининг суннат тўйини ажойиб қилиб ўтказдик. Одамлар роса яйрашди. Тўй ғоятда мазмунли, бир умрга эсда қоларли бўлиб ўтди.

Бир вақтлар хўжаликка катта меҳнати сингган, ҳозирда пенсияда бўлган кишиларни алоҳида эъзозлаяпмиз. Уларнинг бор-йўғидан ҳамиша хабар олиб турилади. 62 нафар беморга 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиш таклифи касаба уюшма қўмитасидан чиқди. Ботир Розиқов, Бобораҳмат Эшқувватов, Гулбаҳор Бегматова каби нуронийлар шу кунларни кўриш насиб этганидан шукроналар айтишди. Давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтиб, ўзларини ҳамиша сафда эканликларини маълум қилдилар.

Спортга меҳрим баланд. У одамни соғлом, бақувват, руҳан тетик қилади. Ишонаман, қачонлардир хўжалигимиздан жаҳон чемпионлари етишиб чиқади. Шу ниятда 350 миллион сўм сарфлаб болалар спорт мажмуасини яратдик. Миллий курашимиз жонкуярлари Абдуназар ва Абдурасул Норқуловлар, истеъдодли шоҳмотчи Самандар Каримов ва бошқаларга одамларимиз катта умид билан қарамоқда. Футболчи, теннисчи спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда бўш келишмаяпти.

**Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси**

*Хат ортида инсон тақдири*

## ШИКОЯТ БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

Қўмитамиз иш кўламида меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронлар ва нафақахўрларга мурувват ёрдамлари кўрсатиш изчил амалга оширилаяпти. Мисол учун, собиқ ишчи Е. Палекеев ишлаб чиқариш жараёнида кўз жароҳати олганди. Албатта, қонунга кўра унга барча тўловлар тўланди. Шунинг билан бирга унинг кўзини операция қилдириш учун катта маблағ ажратилишига эришилди. Боз устига, касаба уюшма қўмитаси томонидан 120 минг сўм бемор ҳисоб рақамига ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига кўра изчил ҳаракат қилинмоқда. «Жарқўрғоннефт» АЭС корхонаси касаба уюшма қўмитаси 795 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган. Нафсиламбирини айтганда, уларга иш ҳақини тўлашда оқсаш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бу ҳолни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мисол учун, тўрт марта иш берувчига расмий талабнома киритилди. Талабноманинг биттаси бажарилмаганлиги туфайли туман прокуратурасига мурожаат қилинди.

Ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири. Мазкур корхона ўз ишчи ва хизматчиларини иссиқ овқат, сут-қатиқ ва шунга ўхшаш зарур маҳсулотлар билан таъминламоқда. Уларнинг ишга бориб келишлари учун автобус ажратилган.

«Шарғун шахтаси» вилоятдаги энг йирик корхоналар сирасидан. Аммо бу ерда меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояси кўнгилдагидек эмас. Жорий йилнинг ўзида ишчи хизматчилардан бизга 5 та шикоят аризаси тушди. Текшириш таҳлили кўрсатдики, шахта маъмурияти томонидан жамоа шартномасининг айрим бандлари қўпол равишда бузилган. Пировард натижада ноҳақ ишдан бўшатиш ҳоллари юзага келган. Аралашув зое кетмади. Бир нафар ходимнинг касаба уюшма аралашуви билан мушкули осон бўлди. Яна 2 нафар киши фуқаролик судининг қарори асосида ўз ишига қайта тикланди.

**М.АНОРОВ,**
**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоят вакили**

Инсон учун энг кераклиси саломатлик. Соғломон бўлсангизгина унумли ишлайсиз, кайфиятингиз чоғ бўлади. Айниқса, биз катталар ўғил-қизларимизни хушчақчақ кўришни истаймиз. Шундан хулоса қилинса, шифокорлар меҳнати нақадар зарурлигини ҳис этиш қийин эмас. Болалар шифокори бўлиш осонмас. Ҳар бир бемор билан тил топиша билиш, тўғри ташхис қўйиш, кўнгилдагидек даволаш учун ўз касбининг фидойиси бўлиш керак.

## ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

Айни пайтда оқ халатли кишиларнинг ўзлари ҳам ижтимоий ҳимояга, қўллаб-қувватлашга зарурат сезадилар. Шунинг учун ҳам биз соҳа ходимларининг ҳақиқий кўмакчиси, ҳамкори бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Сўнгги йилларда «Хонжиза», «Ботаника», «Турон», «Жайронхона» каби ажойиб шифо масканларида қатор ходимларимиз дам олишди. Кимлардир тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳатга чиқди. «Вахшивор» болалар оромгоҳи эса жажжиларнинг севимли масканига айланган.

Касаба уюшма ташкилоти етакчиси ташкилотчи, жонкуяр инсон бўлса кўпнинг бошини қовуштира олади. Жамоада соғлом муҳит яратилади. Сўнгги йилларда тўй ёки маърака ўтказадиганлар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Шифокорларимиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам намуна бўлишяпти. Теннис, шоҳмот, волейбол ва бошқа спорт турлари севимли машғулотимизга айланган. Яқинда хайрли ташаббусга қўл урдик. Шифо масканида «Президент асарлари бурчаги» ташкил этилди. Ундан давлатимиз раҳбарининг асарлари, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Бу бизга давр талаблари даражасида ишлаш, яшашни ўргатмоқда.

**Ш.ҚИЛИЧЕВ,**
**вилоят болалар шифохонаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида олинган ариза ва мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий муаммолар ҳамда меҳнат қонунлари бузилаётганлиги тўғрисида эди. Улар синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг мушкулини осон этиш учун якдил ҳаракат қилдик. Жумладан, термизлик якка-ёлғиз пенсионерлар Т.Фелчитова ҳамда Н.Сатторова айрим мутасадди раҳбарлар улар тақдирига лоқайд муносабатда бўлаётганлигини маълум қилишганди. Жойларда бўлиб, аҳвол билан танишгач, масала ижобий ҳал этилди. Кексаларнинг ҳар бирига 20 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Улар ҳолидан доимий хабар олиб туриладиган бўлди.***



## ЎЗ ИШИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИЛАР

Яна бир мисол. Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалиги аъзолари Г.Жумаева, Х.Абдумуротовалар марҳум умр йўлдошлари учун тўланиши лозим бўлган товон пули, шунингдек, фарзандларининг нафақасини олишолмаётганлигини билдириб, ёрдам сўрашганди. Шикоятлар юзасидан тегишли раҳбарларга тақдимномалар киритилди.

Ҳуқуқий саводхонлик етишмаётганлиги, айрим кишиларнинг қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганликлари туфайли юқоридаги каби ҳолатлар оз бўлса-да учраб туради. Бунинг оқибатида кимлардир ойлар мобайнида овораи сарсон бўлади. Шундай пайтда касаба уюшма ёрдам қўлини чўзмоқда. Яқинда Денов туман Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси ходимлари Холмирзаева, Норбоевалар ноҳақ ишдан бўшатилганликлари боис турли идораларга, ташкилотларга мурожаат қилишган. Бироқ натижа бўлмаган. Охир-оқибат мутахассисларимизга юзланишган. Иш судгача бориб етди ва у адолатли ҳал этилди. Ноҳақ ишдан бўшатилганлар ўз вазифасига тикландилар.

Афсуски, баъзи ўринларда хатти-ҳаракатларимиз кутилган натижани бермаяпти. Мен раҳбарман, меники тўғри, қабилида иш юритаётган баъзи иш берувчилар ҳайратомуз ишларга қўл уришаяпти. «Бойсунқишлоқхўжаликкимё» филиали директори Б.Эргашев шу корхона ходими, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Сатторовни ноқонуний равишда ишдан бўшатган. Бироқ масала адолатли тарзда ўртага қўйилган бўлишига қарамай, иш берувчи ходимни ўз лавозимига тиклаш, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ҳақ тўлашни пайсалга солиб келмоқда эди. Натижада фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди. Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Кимда-ким қонунни ҳурмат қилиб, унга итоат этиб яшамаса, бир кун албатта қоқилади.

**Н.ШАМСИДДИНОВ,**
**вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари**

*Истиқлол берган имкон*

## ТЕМИР ЙЎЛ ШАРОФАТИ

Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон темир йўли қурилиши юқори суръатларда давом этмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур объектлар фойдаланишга топширилгандан сўнг соҳада минг нафардан зиёдроқ янги иш ўринлари пайдо бўлади. Қолаверса, кўплаб туманлардаги қишлоқлар ҳамда аҳоли пунктларида катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз беради.

Айни вақтда ушбу йўлнинг Работ участкасида Бойсун станцияси қурилиши амалга оширилмоқда. Бекат қурилишини «Бойсунирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олган бўлиб, Чиноз шаҳридан ташриф буюрган «Қурувчи» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош пудратчи сифатида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Режага кўра бекат жорий йил охирида топширилади. Ушбу қурилишда елкама-елка туриб меҳнат қилаётган «Бойсунирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти моҳир қурувчилари ер ишларини тугатиб, пойдеворни аллақачон бошлаб юборишди. Жамоа аъзолари 6 ой давомида темир йўл линияси бўйича 50 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириб, 4 миллион сўм соф фойдага эришдилар.

Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир шағал келтириш, яна кимдир пайвандлаш ишлари билан банд. Ана шундай дамда дала шароитида ишлаётган биз, ишчиларга маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан етарли шарт-шароитлар яратилган. Махсус кийим-кечак, бепул икки маҳал иссиқ овқат ва эрталабки нонушта ташкиллаштирилган. Вагонларда ётоқ, имкониятдан келиб чиқиб ювиниш хоналари тартибга келтирилган. Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси томонидан Тангимуш - Ажрим - Работ участкасида фаолият кўрсатаётган ишчиларга бепул кўчма тиббий хизмат йўлга қўйилган.

Работ участкасида фаолият кўрсатаётган экскаваторчи Қудрат Тиллоев, булдозерчи Чори Муртазоев, ҳайдовчи Ғаффор Равшанов ва бошқалар қурилиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бунёд этилаётган темир йўл бекатига маҳаллий қурилиш ташкилотлари ҳамда Бойсун туманидаги 110-автокорхона аъзолари яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда. 100 нафар йўловчига мўлжалланган ушбу бекат ишга туширилгач, бойсунликлар орзуси ушалади.

**Ҳасан МИРЗАЕВ,**
**экскаваторчи**





